



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 23 апрель, пайшанба, №47 (3693).



## Президент



### ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев жамоат арбоби, Қозоғистон халқ ёзувчиси, ҚР Меҳнат Қаҳрамони Мухтар Шахановнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқин қариндошларига ҳамдардлик билдирди.

“Мухтар Шаханов жамиятимиздаги таниқли шахс бўлиб, бутун умрини адабиётга бағишлаган, қозоқ шеърятини янги босқичга юксалтирган адабиётимиз ва маданиятимиз уфқларини кенгайтиришга улкан ҳисса қўшган. Тил фидойисифатида у доимо хайрли ишлар бошида бўлган. Унинг асарлари кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган унинг эҳтиросли шеърлари кенг шеърят муҳлислари томонидан севиб ўқилган.

Ибротли ҳаёт кечирган ва бой адабий мерос қолдирган Мухтар Шахановнинг ёрқин қиёфаси халқимиз хотирасида абадий қолади”, дейилди таъзия матнида.



## ҚОЗОҒИСТОН ВА МЎҒУЛИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Астанада Қозоғистон ва Мўғулистон президентлари иштирокида расмий музокаралар ўтди. Учрашув давомида давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилишди.

Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев икки давлат ўртасидаги тарихий ва маданий яқинликка алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади:

– Биз умумий тарихга, умумий илдишларга эга бўлган, кўчманчи халқлар авлодларимиз. Қозоқлар ва мўғуллар асрлар давомида яқин қўшни сифатида яшаб келган. Халқларимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари ўхшашдир. Биз ушбу қадриятларни кўллаб-қувватлашни давом эттирамиз. Бугунги кунда ҳамкорлигимиз стратегик шериклик руҳида ривожланмоқда. Давлатлараро, парламентлараро ва ҳукуматлараро муносабатларимиз изчил мустаҳкамлаб бормоқда.

Давлат раҳбари Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдаги хиссасини юксак баҳолаб, унинг раҳбарлиги остида мамлакатда ижобий ўзгаришлар кузатилаётганини қайд этди.

Шунингдек, Қасим-Жўмарт Тўқаев Мўғулистон иқтисодиётининг 6,8 фоизга ўсганини, “Vision-2050” стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларни ва янги Қорақўрим шаҳри қурилиши каби йирик лойиҳаларни ижобий баҳолади.

– Биз қардош Мўғулистоннинг ютуқларидан мамнунмиз, – деди Қозоғистон Президенти.

Ўз навбатида, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэл-

сух Қозоғистон раҳбарининг Мўғулистонга икки йил аввалги давлат ташрифи икки давлат муносабатларини янги стратегик босқичга олиб чиққанини таъкидлади.

– Ушбу ташриф икки томонлама муносабатлар тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Қозоғистон Президентининг узоқни кўзлаган сиёсатининг самараси сифатида мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда сезиларли ютуқларга эришмоқда. Мўғулистон халқи бу жараёнларни диққат билан кузатиб бормоқда, – деди Мўғулистон Президенти.

Таъкидланишича, 2024 йилда Қозоғистон Президентининг Мўғулистонга ташрифи давомида ўндан зиёд ҳужжат имзоланган бўлса, бугунги музокаралар чоғида ҳам қатор муҳим қелишувлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Akorda.kz.

## Астанада Россия маданияти кунлари бошланди



Дастур ижодий ва ишбилармонлик тадбирларини бирлаштиради.

Тадбир дастури икки давлат ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ижодий ва ишбилармонлик йўналишидаги турли тадбирларни ўз ичига олади.

Асосий воқеа – бугун “Астана Опера” театри сахнасида Россия маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими ўтди. Шунингдек, пойтахтда Қозоғистонда Россия киноси фестивали очилди ва унинг намоишлари 26 апрелга қадар давом этади.

Дастурнинг муҳим қисми сифатида бугун Қозоғистон Республикаси Миллий музейида икки мамлакат ижодий ва илмий зиёлилари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

ҚР Маданият вазирлигининг матбуот хизмати.



## КўНГИЛЛИЛАР ҲАРАКАТИ: ТАРАҚҚИЁТ КОНЦЕПЦИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Kazinform. Ҳозирда мамлакатимизнинг барча вилоятларида минтақавий ишчи гуруҳлар “2030 йилгача кўнгиллилар ҳаракатини ривожлантириш концепцияси” лойиҳасини шакллантириш мақсадида тақлифлар, тавсиялар ва фикрларни тўплаш ишларини бошладилар.

“Ҳужжатнинг сифати ва мазмунини таъминлаш мақсадида минтақавий хусусиятларни инобатга олган ҳолда кенг қамровли таҳлил ўтказилмоқда”, дейилди вазирлик хабарида.

Вазирлик маълумотларига кўра, мутахассислар мамлакат ҳудудларида учрашувлар ўтказиб, кўнгиллилар ҳаракатининг долзарб муаммолари муҳокама қилинмоқда.

## МАЪНАВИЯТНИНГ МУАЗЗАМ МАЙДОНИ



Оммавий ахборот воситалари – халқнинг овози, миллатнинг жарчиси ва жамиятнинг маънавий таянчидир.

Қасим-Жўмарт ТўҚАЕВ.

“Жанубий Қозоғистон” газетасининг 35 йиллиги масъулиятли паллага тўғри келди. Масъулиятли дейишимизга сабаб, агар нашрнинг холи хароб бўлганида, кичик бир ишинг билан ҳам кўзга ташланишинг мумкин эди. Ҳозирги пайтда барчага маълумки, “Жанубий Қозоғистон”нинг савияси жуда юқори, дастлаб 13 йил мобайнида бош муҳаррир бўлган Собиржон Юсуфалиев, ўндан кейинроқ деярли 10 йил раҳбарлик қилган Муроджон Абубакиров нашрга раҳбарлик қилган йилларда залворли ишлар амалга оширилган эди. Ана шу икки муҳаррир даражасида ишлаш, газетани улар кўтарган савиядан юксалтириш у ёқда турсин, тушириб юбормаслик учун ҳам қаттиқ ишлаш керак. Бу эса бош муҳаррирга ҳам, бутун жамоага ҳам юксак масъулият юклайди.

Тўғри, сўнги йилларда нашрнинг нусхаси камайди. Аммо бу камайиш муҳлисларнинг газетадан кўнгли қолгани, савияси тушиб кетгани учун эмас, бунга сабаб, матбуот нашрлари нархларининг кескин ошиб кетиши бўлди. Бу нарх ошишидан нафақат “Жанубий Қозоғистон”, балки бошқа кўплаб ойнамою рўзномалар зарар кўрди. Шундай бўлса-да, газета фаолияти, кўриниши, мундарижасини кескин ўзгартирмайди.

Бугунги кунда дунёда дунёвийлашув жараёнлари кучайиб, турли маданиятлар, қадриятлар ва дунёқарашлар ўзаро аралашиб бормоқда. Бу ҳолат Қозоғистон жамиятида ҳам яққол сезилмоқда. Турли мафкура ва қарашлар ёнма-ён яшар экан, катта авлод ёшларнинг тарбияси ҳақида хавотир билдирса, ёшлар эса эски қолиплардан воз кечиш зарурлигини таъкидлашмоқда. Шу нуқтага назардан, келгусида жамиятимиз қай йўлдан бориши керак?

Давримизнинг энг оғрикли саволларидан бирига ҳар йили ҚР Президенти Қозоғистон халқига йўллаган Мактубларида жавоб беради. “Жанубий Қозоғистон” эса ана шу Мактубни ўзбек тилига таржима қилган ҳолда чоп этади.

Тамaddonлар, қадриятлар ўртасидаги зиддият аслида таназул эмас, балки янги босқич: шаффоқлик, танлов ва масъулият босқичидир. Муаммо уларнинг аралашиб кетишида эмас – саралай олмаслигидадир.

Бугун дунёвийлашув жараёни шунчалик тезки, у нафақат иқтисодни, балки инсоннинг ички дунёсини ҳам ўзгартирмоқда. Илгариги жамиятларда қадриятлар “тайёр ҳолда” бериларди: оила, маҳалла, мактаб – барчаси бир йўналишда тарбия қилинарди. Ҳозир эса инсон, айниқса, ёшлар, турли манбалардан турли “ҳақиқат”ларни қабул қилмоқда. Бу эса эркинлик билан бирга ички парокандаликни ҳам вужудга келтиради. Шу боис, Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев касбий журналистикага устувор аҳамият қаратилишини алоҳида таъкидлаб, “Эркин, масъулиятли ва касбий оммавий ахборот воситалари – замонавий давлат ва жамият тараққиётининг ажралмас қисмидир”, деган эди.

Шу ўринда асосий савол: “Қайси йўлдан бориш керак?” Менимча, йўл битта – ўзликни йўқотмаган ҳолда янгила-ниш.

Бу нима дегани? Биринчидан, миллийликни музейнинг осори-атиқасига айлантмаслик керак. Миллий қадриятлар – жонли организм. Агар улар фақат урф-одат сифатида сақланса, ёшлар ўндан узилиб қолади. Аммо, агар уларнинг моҳияти – инсонпарварлик, ор-номус, масъулият каби қадриятлар замонавий тилда тушунтирилса, улар янада кучли таъсир қилади.

Иккинчидан, кўр-кўрона тақлиддан қочиш зарур. Нафақат Ғарбга, балки ўз “анъана” деб аталмиш қолипларга ҳам танқидий назар билан қараш керак. Чунки ҳар бир анъана ҳам муқаддас эмас, ҳар бир янги гоё ҳам зарарли эмас.

(Давоми 2-бетда.)

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади

## ЗАВОД КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Вилоятимиздаги совутгич ишлаб чиқариш корхонасини кенгайтириш орқали минтақанинг sanoat салоҳияти янада юксалади. Бу ҳақда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев ва «UBC Group» компанияси асосчиси Игорь Бурдиленко ўртасида ўтган учрашувда маълум қилинди.

Учрашувда сармоявий лойиҳаларнинг ҳозирги ҳолати, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда янги иш ўринларини барпо этиш масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими минтақада sanoatни ривожлантириш, экспорт ҳажмини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, «UBC Group» иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар самарадорлигини юксалтириш ва уларни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Игор Бурдиленко компаниянинг мақсади Марказий Осиё бозорини

маиший техника билан таъминлашни кенгайтириш эканини маълум қилди. Шу доирада «JASYL SUYU QAZAQSTAN» совутгич ишлаб чиқариш заводининг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг умумий сармоя ҳажми – 1,2 миллиард тенге бўлиб, унинг доирасида 1900 квадрат метр ҳажмда янги ишлаб чиқариш биноси барпо этилади ва қўшимча 50та янги иш ўрни яратилади.

Корхонанинг йиллик қуввати 50 000 дона совутгич ишлаб чиқаришга етказилиши режалаштирилган. Бу ички бозор талабини қоплаш билан



бирга экспорт салоҳиятини ҳам оширади.

Ҳозирда маҳсулотлар турли экспорт қилинмоқда. Келгусида экспорт доирасини кенгайтириш

режалаштирилган бўлиб, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Мўғулистон, Тожикистон ва Туркменистон бозорларига чиқиш кўзда тутилган.

Учрашув якунларига

кўра, томонлар ҳамкорликни изчил давом эттириш ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш юзасидан келишиб олдилар.



## АЛЮМИНИЙ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Сармоявий лойиҳа «QAZCOILPRO» МЧБ томонидан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 115 миллиард тенгени ташкил этади. Завод тулиқ ишга тушгач, Қозоғистондаги алюминий рудонлар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан бирига айланиши кутилмоқда.

Завод қуввати икки босқичда кенгайтирилади. Биринчи босқичда йилига 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган, иккинчи босқичда эса бу кўрсаткич 200 минг тоннага етказилади.

Натижада 250дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Ушбу йирик сармоявий лойиҳанинг тақдирот маросимида Тўлебий тумани ҳокими Еркеғали Алимқулов қурувчи-

ларга муваффақият тилаб, бундай ташаббуслар ҳудуд sanoati тараққиётига кучли туртки беришини таъкидлади.

Завод Тўлебий туманидаги Киелитас қишлоғида жойлашади. Қурилиш ишлари 2026-2028 йилларда юритилиб, иншоотни фойдаланишга топшириш эса 2028 йилга мўлжалланган.

Ушбу лойиҳа мамлакатда алюминий маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги босқични бошлаб беради.

## ҚИРҒИЗИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ – ТУРКИСТОНДА

Учрашувда вилоятнинг сармоявий имкониятлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда давлат идоралари ва бизнес ўртасидаги ҳамкорлик дастаклари ҳақида маълумот берилди.

Тадбир давомида иштирокчиларга сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш тажрибаси ҳамда минтақада йўлга қўйилган қўллаб-қувватлаш чоралари таништирилди.

Сафар доирасида вакиллар кичик sanoat паркида бўлиб, қатор ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан яқиндан танишди. Жумладан, «BNK Group Ltd» капсулари уйлар ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳамда «Ақниет Holding» мебелсозлик корхонаси кўздан кечирилди.

Умуман, ушбу ташриф икки томонлама тажриба алмашиш, минтақалараро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилди.

### ТУРКИСТОН ШАҲРИДА ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН КЕЛГАН ДЕЛЕГАЦИЯ ВИЛОЯТ ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ



Астана шаҳрида Қозоғистон Республикаси Sanoat ва қурилиш вазирлиги ташаббуси билан коммунал соҳа ходимлари ўртасида футбол бўйича «Қозоғистоннинг коммунал хизматчилар кубоги – 2026» республика турнири ўтди.

Ушбу йирик спорт мусобақасида Туркистон вилояти жамоаси голиб чиқиб, I ўринни эгаллади.

## МАЪНАВИЯТНИНГ МУАЗЗАМ МАЙДОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Учинчидан, ёшларга тайёр андаза ва қолипларни эмас, йўл танлаш қобилиятини ҳам бериш керак. Илгариги даврда ибратга лойиқ шахслар аниқ эди. Бугун эса бундай инсон бу саволга жавоб бера оладиган, шубҳа қила оладиган, аммо шу билан бирга ўз виждонига хиёнат қилмайдиган шахсдир.

Кимни ибрат қилиб кўрсатиш керак?

Фақат бир давр ёки бир мафқурага мансуб қаҳрамонларни эмас, балки турли замон ва турли қараш эгалари бўлган, аммо ягона жиҳатда – инсонпарварликка интилган шахсларни.

Масалан, Алишер Навоий ва Абай – фақат шоир эмас, балки адолат ва маърифат тимсоли.

Шу билан бирга замонавий илм-фан, технология, ижод соҳасидаги тиришқоқ, ҳалол инсонлар ҳам ёшлар учун намуна бўлиши керак.

Энг муҳими – ёшлар “ибратли инсон”ни ташқи шаклда эмас, ички мезонлар орқали англасин – адолатпарвар, меҳнатсевар, масъулиятли, виждонли.

Газетага келсак, устоз журналист Сайди Умиров журналистикага “тезкор адабиёт” дея таъриф берган. Демак, журналист – давр талабларига тезкор жавоб бера оладиган адиб бўлмоғи лозим.

“Ҳақиқий журналист тайёр жавоб бермайди. У инсонни безовта қилади, саволга рўбару қўяди. “Инсон руҳининг муҳандиси” деган таъриф бежиз эмас: у қалбдаги мувозанатни тиклашга хизмат қилади”, деган эди Сайди Умиров.

Дарҳақиқат, ҳақиқий журналист тайёр жавоб бермайди, чунки унинг вазифаси – ҳақиқатни “тайёр ҳолда” тақдим этиш эмас, балки уни излашга ундаш.

Агар журналист ҳамма нарсани аниқ, тайёр хулоса билан берса, ўқувчи фикрламай қўяди. Бу эса жамиятни пассив, тайёр қарашларга кўниккан ҳолга келтиради. Ҳолбуки, журналистиканинг моҳияти – инсонни ўйлашга, шубҳа қилишга, ўз нуқтаи назарини шакллантиришга туртки беришидир.

Яна бир жиҳат бор: ҳаёт мураккаб. Кўп ҳолатларда бир масаланинг ягона “тўғри” жавоби бўлмайди. Агар журналист уни соддалаштириб, битта тайёр хулосага тушириб қўйса, у ҳақиқатни қисқартиради, ҳатто бузиб кўрсатиши мумкин. Масалан, 6 рақами кўндаланг ётибди. Бу ўнг томондаги одамга 6 бўлиб кўринади, чап томондаги одамга эса – 9. Шунинг учун ҳақиқий журналист савол қўяди, турли нуқтаи назарларни очиб беради, ўқувчини мустақил хулоса чиқаришга чорлайди.

Безовталиқ – фикрнинг бошланиши, тайёр жавоб эса унинг интиҳосидир. Шу боис журналист инсонга хулоса тутқазмайди, балки уни ўзини англашга етаклайди. Чунки жамиятни гоғлар эмас, уни англаган шахслар ўзгартиради.

Демак, бугунги журналистиканинг мақсади – “тўғри йўл”ни кўрсатиш эмас, балки шу йўлни мустақил танлай оладиган инсонни шакллантиришидир. Шундагина жамият қайси даврда бўлмасин, адашмайди.

Собиқ Иттифоқ даврида 15 республика фуқаролари ўзбек тилидаги бадиий нашрларга обуна бўлиш имкониятига эга эди. Шу жумладан, қозоғистонликлар ҳам. Ҳамюртларимизнинг энг сара асарлари Ўзбекистонда чоп этиладиган “Шарқ юлдузи”, “Саодат”, “Гулистон”, “Гулхан”, “Муштум” ва бошқа нашрларда, тўпламларда чоп этиларди. Ҳозир ҳам шундай имконият мавжуд, у журналларни электрон шаклда ўқиш, энг сара асарларни уларга йўллаш мумкин. Лекин бунга ё интилиш йўқ, ёки шу нашрларнинг савиясига мос асарлар ёзилмаяпти.

Дунёвийлашув даври, юксак технология асрига етиб келдик. Лекин негадир адабиётимиз дунё миқёсида ўқилмаяпти. Нега? Менимча, бунга асосий сабаблардан бири – классик, яъни мумтоз адабиётимиздан беҳабарлигимиз. Шарқ фалсафасидан узоклашиб кетганимиз. “Ўзбек адабиёти ўзининг ўқилди бўлган мумтоз адабиёт, Шарқ аънаналари, Шарқ фалсафаси”дан сув ичмас экан, у ҳеч қачон ривожлана олмайди”, деб ёзган эди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик.

Шеърят санъат даражасига кўратилмас экан, у эртанги кун талабларига жавоб бермайди. Биз ўша эртанинг талабларига жавоб берадиган асарларни чоп этиш хусусида ҳам бош қотирапмиз.

Эссе танловларини ўтказиш аънанага айланди. Бу эса ёшлар учун катта журналистикага илк қадамдир.

Ижтимоий мавзуга оид мақолаларнинг шаклини ўзгартирмоқчимиз. Ҳажми кичик, таъсир доираси кучли мақолалар бериб боришни режалаштиряпмиз.

Ижодий ходимларимизнинг вазифаларига ҳам озорқ ўзгариш киритдик. Ходимнинг вазифаси – фақат идорада ўтириб қоғоз қоралаш эмас, балки асосий вазифа кўпроқ газетхонлар билан учрашувлар ўтказиш, ёш ижодкорлар билан алоқа ўрнатишидир.

Газетанинг 35 йиллиги доирасида йил сўнгига қадар 35та маданий-маърифий тадбир ўтказиш режалаштирилган.

Обуна масаласига тўхталамиз. Аслида бу жараён фақат журналистиканинг сифати билан эмас, балки уни жамият қанчалик қўллаб-қувватлаши билан ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қаралганда, обуна маънавий масъулият масаласидир. Кўпчилик ўз ҳуқуқини талаб қилади. Лекин ўз ҳуқуқни учун қурашаётган газетасига обуна бўлмайди. Нима бу маънавий қашшоқликми ёки маънавият тушунчасининг жамиятдан узилиб, шахсийлашиб қолганими? Бир тушлик баҳосига газетани олти ой ўқиши мумкин, лекин фарзандингиз учун бирорта болалар газетасига ёки журналга обуна бўлинг, десангиз, мажбурлаб обуна қилдиришяпти, дея айюҳаннос солишади.

Обуна табиий эҳтиёж сифатида қабул қилинмаяпти. Бу эса матбуотнинг жамият ҳаётидаги ўрнини қайта англаш заруратини кўрсатади.

Аслида обуна – фикр, маънавият ва жамият онгини қўллаб-қувватлаш демакдир. Шу боис матбуот ҳам, ўқувчи ҳам бир-бирига боғлиқ ягона маънавий тизимнинг икки томони сифатида шаклланиши даркор.

А. АБДУФАТТОҲ

»» Обуначиларимиз орасида

## «ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА



Янги Иқон қишлоғи ўЗМБ раиси Ҳасан Немаматуллаев, фахрий устоз – боғбон Олим Қосимов ҳамроҳлигида Мадияр Тасирбаев раҳбарлик қилаётган М. Улуғбек номли мактабга ташриф буюрди.

Ҳамроҳларим шу даргоҳда узоқ йиллар меҳнат қилиб, фахрий ҳордиққа чиқишган. Кутубхоначи Аяжон Исмоилова билан бамаасалоҳат директор М. Берикули келгуси ярим йилликка 50 нусха газетга шартномани имзолади. Сухбат чоғида шу даргоҳда ўтган асрда меҳнат қилган шоирлар Эргаш Немаматуллаев, Султон Бобо-

хонов, Қалихан Алтеков, Парпи Бобоев, Ҳамза Мирҳайдаров ҳамда собиқ ўқувчи Миртемир Ҳамроевлар хотирасига бағишланган маънавият тадбирини ўтказиш режаси муҳокама қилинди.



Адабиётга ихлоси баланд муштарийимиз Шоҳида Камолбекова раҳбарлик қилаётган «Дарын KZ» умумтаълим мактаби жамоаси давлат томонидан ўтказилган текширувлардан суринмай ўтди. Устозлар жамоаси 40 нусхалик обунани давом эттиради.

Усар Тошпўлатов раҳбарлик қилаётган «Дарын KZ-1» умум-

таълим мактаби жойлашган А. Навоий номли кўчани асфальтлаш борасида газетамиз орқали қишлоқ ҳоқими Т. Абдаевга мурожаат қилгандик.

Бу хайрли иш амалга ошди. Янги асфальт йўл аҳолига қулайлик яратди. Директорнинг ўринбосари Саъдулла Учқун ўгли Парпиев таниқли шоир Парпи Бобоевнинг невараси. Бобосининг хотирасига бағишланган тадбир ташкил этишни

Дилмуҳаммад Ирисбоев бунёд этган, директорлар Дилноза Мўминова ва Муҳит Камоловлар раҳбарлик қилаётган «Янги Иқон» ва «Янги Иқон-1» умумтаълим мактабларида жами 60 нусха газетамиз обунаси давом этадиган бўлди. Ҳимматли ҳамюртларимиз, хусусан, мусиқа фани ўқитувчиси Бобир Умарқулов шоғирдлари билан ташкил этган аjoyиб хотира тадбирида иштирок этдик.



режалаштираётган С. Парпиевга 30 нусхалик обунани давом эттириш хусусидаги шартномани тақдим этдик.

Тадбиркор устоз, Саврон тумани маслаҳати депутати

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: сафардан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

## БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ – УСТУВОР ВАЗИФА

Вилоят таълим бошқармаси жорий йилда вояга етмаганлар орасида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки 2 ойи якунига кўра, ҳуқуқбузарликлар ўтган йилга нисбатан 7та ҳолатга камайган. Вилоят прокуратураси ва полиция вакиллари билан ҳамкорликда туман ва шаҳарларда «Хавфсиз болалик» лойиҳаси жорий этилиб, тегишли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад – мактаб ўқувчиларининг сифатли таълим-тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга, уларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Ушбу лойиҳа юзасидан вилоят прокурори ўринбосари Даулет Тлемисов иштирокида ижтимоий тармоқларда «Жонли мулоқот» ташкил этилиб, унда 200 мингга яқин ўқувчи иштирок этди. Мулоқот чоғида болалардан келиб тушган саволлар ўрганилиб, уларга атрофлича жавоблар берилди. Шунингдек, мактабларда полиция ходимлари иштирокида ота-оналар мажлислари, болалар омбудсманлари билан учрашувлар, минтақавий анжуманлар ташкил этилди.

Болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида таълим муассасаларида QR код ўрнатилди. Натижада, мурраккаб вазиятга тушиб қолган ўқувчи руҳий ёрдам олиш имкониятига эга бўлмоқда.

Шу кунга қадар «Ишонч телефони»га 142та мурожаат келиб тушган. Мурожаатлар бўйича тезкор чоралар кўрилди. Зўравонликнинг олдини олиш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Вояга етмаганларга қарши содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг дастлабки 2 ойига нисбатан 9тага камайган.

«ӨРКЕН» Болалар фаровонлигини ошириш миллий илмий-амалий институти томонидан умумтаълим муассасаларида ўқувчилар ўртасида тазйқнинг олдини олиш мақсадида «DosbolLike» дастури 938та давлат тасарруфидоғи таълим муассасасида жорий этилди.

Ҳозирги кунда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда. Шу жумладан, 2014 йил 5 июлда қабул қилинган «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида» кодексига мувофиқ, 127-3-модда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид мезъорлар билан тўлдирилди. Унга кўра, таълим муассасалари ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи ташкилотлар раҳбарлари томонидан белгиланган талабларга риоя этмаслик, тазйқ ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қабул қилмаслик ёки тегишли ёрдам кўрсатмаслик каби ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, назоратсиз ва бошланасиз қолган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни тегишли муассасаларга жойлаштириш учун зарур ҳужжатларни тақдим этмаслик ҳолатлари учун ҳам жавобгарлик қўйилди. Бундай қоидабузарликлар 30 ОҲҚ миқдоридоғи жарима қўлланишга сабаб бўлади. Бундан ташқари,



ҚР ижро идоралари мансабдор шахслари томонидан болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари учун жавобгарликка тортилади.

Хусусан:

- етим ёки боқувчисиз қолган болалар учун нафақаларни ўз вақтида ва белгиланган миқдорда тўламаслик;

- никоҳ ва оила қонунчилиғи талабларига жавоб бермайдиган шахсларни васий ёки ҳўимий этиб тайинлаш;

- болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муассасаларида уларнинг бўлиш мўддатларини асоссиз узайтириш каби ҳолатлар учун ҳам 30 ОҲҚ миқдоридоғи жарима белгиланган.

Шунингдек, таълим муассасалари раҳбарлари томонидан болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларини янада такомиллаштирилди:

- таълим муассасаларида руҳий-педагогик қўллаб-қувватлаш тартибига риоя қилмаслик;

- асоссиз сабаблар билан вояга етмаганларни ҳисобга олмаслик;

- алоҳида эътибор талаб этадиган ўқувчиларга педагогик ёрдам кўрсатмаслик. Ушбу қоидабузарликлар учун ҳам 30 ОҲҚ миқдоридоғи жарима белгиланган.

Ушбу модданинг тегишли қисмларида назарда тутилган талаблар бузилиб, бир йил давомида такроран содир этилган ҳолатларда эса жарима миқдори 60 ОҲҚгача оширилди.

ҚР Болалар ҳуқуқлари бўйича вакили Динара Закиева топшириғига асосан вилоятимиздаги «хавф-хатар остидаги тоифа»га кирувчи болалар рўйхати шакллантирилиб, доимий назоратга олинди.

Шу билан бирга, 2025 йил май ойида 1000дан зиёд мактаб руҳшунослари иштирокида «PsyTalks: Замоनावий руҳий хизматнинг янги муаммолари ва имкониятлари» мавзусида ҳудудий анжуман ташкил этилди.

Жонига қасд қилишга мойил, хавф остидаги тоифага кирувчи болаларни эрта аниқлаш мақсадида СИ асосида ишловчи «WeGlobal.AI» дастури Қазигурт туманида синовдан ўтказилиб, ижобий натижа берди. Мазкур дастур таълим муассасаларидаги руҳий қўллаб-қувватлаш хизматларини рақамлаштириб, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва тезкор қарорлар қабул қилиш имконини яратмоқда.

Айни пайтда у бошқа туманларда ҳам босиқчма-босиқч жорий этиляпти. Хавф-хатар тоифасидаги болаларни «Қизил ҳудуд»дан «Яшил ҳудуд»га ўтказиш юзасидан ишлар изчил равишда амалга оширилмоқда. Вилоят руҳий қўллаб-қувватлаш маркази фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида мувофиқлаштирувчи мутахассислар штати ажратилиб, тўлдирилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда вилоятнинг 17 туманида жами 105 603 нафар руҳшунос фаолият юритмоқда. Шунингдек, ижтимоий педагоглар сони 90 813 нафарни ташкил этмоқда.

Ўразкул ҚўЛДАСОВА,  
вилоят таълим бошқармаси қошидаги руҳий қўллаб-қувватлаш маркази директори.



Қишлоқ кутубхонаси мудариси, шу соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган мутахассис Инобат Шоҳайдарова ташкилотчилиғида «Миллий китоб кўни» доирасида ҳафталик ташкил этилди.

Қишлоқ ҳоқими Тоҳир Абдаев китоб мутолааси ҚР Президенти Қ. Тўқаевнинг ташаббуси билан амалга ошаётганлиғи, китоблар маънавият хазинаси эканлиғини ўз сўзида таъкидлаб ўтди.

Тадбир давомида ўқувчилар Абай Қўнанбаев, Алишер Навоий, Абида Тажибаев, Мағжан Жўмабаевларнинг шеърларини ифодали ўқиб беришди. Тадбир барча иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди. Китоб ўқиш, ундаги илму маърифатдан баҳраманд бўлиш муқаддас бурчимиз.

Зинаида АҲМЕДОВА,  
кутубхоначи.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

## КИТОБ ҲАФТАЛИГИ ДАВОМ ЭТАДИ



(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

«Мана ниҳоят кўп йиллар давомида орзу қилиб келган тилаklarимиздан бири ушаладиган бўлди. Аввалдан ўзингизга маълум, вилоятимизда ўзбеклар кўплиғига қарамадан она тилимизда мутахассислар тайёрлайдиган олийгоҳ мавжуд эмас эди. Бундан тўрт йил аввал М. Аvezов номли Чимкент педагогика олийгоҳида «Ўзбек мактабларида рус тили ва адабиётини ўқитиш» мутахассислиғи бўйича ўқитувчилар тайёрлаш иши йўлга қўйилди. Бу умид гулларимизнинг дастлабки гўнчалари эди. Лекин бу гуруҳга ҳар йили 20та талаба қабул қилинади, холос. Бу эса вилоятимизда истиқомат қилувчи кўп сонли ўзбеклар учун жуда ками. Авваллари Қозоғистонда илм толиблари кўшни Ўзбекистонга бориб таълим олишлари мумкин эди. Лекин ҳозирги вақтда бундай шариот барҳам топди. Ҳозирги иқтисодий шароитда ҳамма ҳам бошқа жойда мусофир бўлиб ўқий олмайдди. Шу муносабат билан ўзбек тилида факультет очилишини талаб қилиб, кўпгина илтимос хатлари, аризалар келиб тушди. Бу иш устида кўп ўйландик ва ниҳоят «Қозоқ тили» жамияти вилоят бўлими ташаббуси билан очилаётган Жанубий Қозоғистон минтақавий гуманитар олий билимгоҳида ўзбек тилида таълим бериладиган 2та мутахассислик – «Ўзбек тили ва адабиёти» ва «Педагогика ва бошланғич синфларда ўқитиш методикаси» ихтисоси очиладиган бўлди...»

«Ўзбек тилида олийгоҳ очилди».  
У. Мусаева. Н. Алматы.  
«Дўстлик байроғи»,  
1994 йил, №33, 2 июль.  
\*\*\*

«Қабристон. У бизнинг аждодларимиз қўйилган улўғ жой. Ҳар сафар унинг олди-дан фотиха қилиб ўтганда «Ҳа, ўлим ҳақ, бир куни келиб меннинг ҳам жойим шу ерда бўлади», деб қўясан пичирлаб. Ҳар қалай ҳанузгача ўлимдан қочиб қутилган одам йўқ. Тоққа чиқсанг ҳам, саҳрога қочсанг ҳам у барибир тузоғига илтиниради. Афсуски, бу ўйлар ҳозирги хаёлидан йироқда. Ҳамма бу ҳақда оз бўлса-да ўйлаб кўрса замон

## МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ



бошқачароқ бўлармиди. Айни пайтда ҳеч нарсадан қайтмай, қоронғу йўлларга қадам қўйган кимсаларнинг сони чексиз. Йўқ, мен бу билан ишбилармон, савдогар, бирини икки қилаётган кишиларни эмас, аксинча пулга ота-онасини айирбошлашга тайёр, кечагина дўст, бугун эса бойиғлиғи боис сени оёқ учида кўрсатаётганлар, ҳар хил қотил-у қаллобларни назарда тутаялман. Кейинги пайтда меҳр, шафқат туман сингари тарқаб, йўқлик деб аталган мавога изсиз сингиб кетмоқда...»

«Ўзи инсоф берсин». Ҳ. Раҳматулла.  
«Дўстлик байроғи»,  
1994 йил, №33, 2 июль.  
\*\*\*

«Мана, гуруҳ ўйинлари ҳам ниҳоясига етиб қолди. Чемпионатнинг ҳар сафаригадай асаббўзар воқеалари-ю, фавқулодда ҳаммани гангитиб, боши берк кўчага кири-тиб қўядиган ғаройиб ҳодисалари хотира-миздан ўтиб бормоқда.

Кўпгина футбол мухлислари Русийё терма командаси гуруҳ ўйинларида иккинчи марта мағлубият аламини (Шветсия: Русийё – 3:1) тотиб кўрганларидан кейин команданинг иккинчи босқичига, яъни 1/8 финалга чиқишига ишонмай қўйган эдилар. Чунки ютуққа, яъни кейинги босқичга чиқишга 6 имкониятдан 1 очко ҳам жамғара олмаган команданинг эришиши амалий жиҳатдан, умуман мумкин эмас эди...»

«Футбол уфқлари кўринмоқда».  
Ёдгор Латиф ўғли.  
«Дўстлик байроғи»,  
1994 йил, №33, 2 июль.  
\*\*\*

«1994 йил 31 январ куни вилоят ҳоқими муовини Ў. Асангазиева вилоят сайлов комиссияси раиси А. Алиев, «Ўнгустик

Қазақстан», «Южный Казахстан», «Дўстлик байроғи» вилоят, «Панорама Шимкента», «Шимкент келбети» шаҳар рўзномалари муҳаррирлари, вилоят телерадиокомпанияси раиси, «Полиграфия» ишлаб чиқариш бир-лашмаси ва вилоят босмахонаси директорлари, вилоят ҳоқими девони ички сиёсат бўлими ходимлари билан кенгаш ўтказди.

Унда оммавий ахборот воситаларининг сайловолди кампанияси давридаги иши муҳокама этилди, мавжуд босмахоналар ва ишларнинг амалда боришини ҳисобга олган ҳолда уларга қўйидагиларни тавсия этишга қарор қилинди...»

«Ҳал қилувчи босқич». Вилоят ҳоқимлиғи девони ички сиёсат бўлими.  
«Дўстлик байроғи»,  
1994 йил, №10, 5 февраль.  
\*\*\*

«Жумҳуриятимизда пул ислоҳоти амалга ошганига ҳам уч ойдан ошяпти. Ҳозирча тенгенинг харид қуввати чакки эмас. Бундан кейин ҳам шундай вазият сақланса ёмон бўлмасди. Лекин мен бошқа масала хусусида мулоҳазамни билдирмоқчиман.

... Автобусда бир воқеанинг, тўғрироғи, тортишувнинг шохиди бўлдим. Ўрта ёшлардаги жувон йўлқира тўлаш мақсадида қиймати ўн тийинлик қозғол пулни ҳайдовчига узатди. Ёшгина ҳайдовчи йигит буклоғлик пулни очиб кўриб «Опа, пулингиз адоий-тамом бўлибди, бошқасини беринг» деди букланавериб титилиб кетган ўн тийинликни қайтариб бераркан. Ҳалиги жувон ҳам шаддоғина экан, «бошқа пулим йўқ» деб туриб олди...»

«Зарурий чора». Н. Асқаров.  
«Дўстлик байроғи», 1994  
йил, №10, 5 февраль.

## ИЖОДКОРЛАР – ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА &gt;&gt;&gt; Обуначиларимиз орасида

Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги 4-сонли мактаб-гимназияда маҳаллий ижодкорлар Комилжон Солибеков ва Абдулхамид Саъдуллаевлар билан ижодий учрашув ўтди.

Уни мактаб директори Улугбек Боялиев очиб, тадбирнинг аҳамиятини юқори баҳолади ва ташриф учун меҳмонларга миннатдорчилик изҳор этди.

Ўқувчилар ҳар икки шоирнинг шеърларини ёддан ўқиб, уларга турли мавзуларда саволлар билан муносабат қилишди. Ўз навбатида К. Солибеков ва А. Саъдуллаевлар ўзларининг янги шеърларини ўқиб беришди. Меҳмонларга мактаб маъмурияти номидан совғалар топширилди.

Мазкур тадбирни уюштиришда жонбозлик кўрсатган мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Раъно Ҳалимжонова, қўшимча билим бериш муаллимаси Динора Убайдуллаева, кутубхона мудираси Нафиса Абдуқодироваларнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз.



## ШОИР АЛИБЕК БАЙНАЗАРОВ – 80 ЁШДА

Миллий китоб кўни доирасида Сайрам туман марказий кутубхонаси ташаббуси билан «Сўз санъатида ўлкашунослик» йўналиши мавзусида Сайрам туманининг фахрий фуқароси, шоир Алибек Байназаровнинг 80 йиллик юбилейига бағишланган учрашув ўтди.

“Фаол узоқ умр кўриш маркази”да ўтган тадбирни Сайрам тумани ҳокимининг ўринбосари С. Дүйсебаев очиб, А. Байназаровга туман ҳокими М. Ўразалиевнинг табрик мактубини ва совғаларини топширди. Шунинг-

дек, юбиларни «AMANAT» партиясининг Сайрам туман филиали ижроия котиби Қуаниш Сиздиқов, туман Оқсоқоллар кенгаши раиси Амангелди Қабилбеков, шоирлар Зияда Исатайқизи ва Танимгул Шўнтиқовалар қутладилар.

Учрашув якунида шоир Алибек Ибрайимули барча иштирокчиларга миннатдорчилик изҳор этди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирлардан лавҳалар.



## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЗАЛВОРЛИ ЮТУҚЛАРИ

Эски Иқон қишлоғидаги С. Раҳимов номи мактабнинг 11-синф ўқувчиси Умида Тўрахонова умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасида “Рус синфларида қозоқ тили” фани бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Кумуш медаль совриндорини мактаб жамоаси Туркистон темирйўл вокзалида тантанали кутиб олди. Директор Ахтамов Ахтамов, унинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари, мактаб ўқитувчилари, ота-оналар ғолиб ўқувчига гулдасталар тақдим этди, янги ютуқлар тилашди. Умида Тўрахонованинг юксак чўққига эришишида унинг устози Лайло Абдумўминованинг хизматлари бекиёс.

Мактабнинг 10-“А” синф ўқувчиси Шерали Муродов туман “Алтын түлек” математика олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаб, республика танловига йўлланма олган эди. Қувонарлиси, республикада ҳам билимини намойиш этиб, учинчи ўринни эгаллади. Иқтидорли шогирд тайёрлаган устози Элнур Сулаймоновга мактаб маъмурияти миннатдорчилик билдирди. Туман фан олимпиадасида унинг яна бир иқтидорли ўқувчиси У. Абдуллаев ҳам фахрли ўринни эгаллаган.

Мактаб директори А. Ахтамов ғолиб ўқувчиларни, устозларни, ота-оналарни эришилган ютуқ билан муборақбод этиб, самимий миннатдорчилигини изҳор этди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: мактаб директори А. Ахтамов иқтидорли ўқувчиларни муборақбод этмоқда.

>>> Кентов

## ИЗЛАНУВЧАН ЎҚУВЧИ – ЮРТ КЕЛАЖАГИ



Ҳар бир устоз учун ўқувчиларининг ютуқлари – энг юксак ифтихордир.

Ёш авлоднинг илм-фанга бўлган қизиқиши ва изланувчанлиги келажагимизнинг мустақам пойдевори асосидир. Ана шундай иқтидорли ўқувчилардан бири Кентов шаҳридаги Ўзбекили Жанибеков номи кўп соҳали гимназия-мактабнинг 5-“Б” синф ўқувчиси – Ислон Баҳриддиновдир.

Ислон Баҳриддинов 1-синфдан илмий ишлар билан шуғулланмоқда. Унинг илк тадқиқот ишларидан бири “Таңқаларлық аралар” мавзусига бағишланган бўлиб, ушбу иш орқали у ўзининг изланувчанлиги ва билимга чанқоқлигини намойён эта олди.

3-синфда у шаҳар миқёсида ўтказилган “Зерде” илмий ишлар мусобақасида қатнашиб, фахрли 2-ўринни эгаллади. Кейинчалик 4-5-синфда эса шаҳар босқичидан 1-ўринни қўлга киритиб, вилоят босқичига йўлланма олди. Вилоят босқичида ҳам икки йил кетма-кет иштирок этиб, 3-ўрин совриндори бўлди.

Ислон нафақат илмий иш йўналишида, балки бадий сўз санъатига ҳам катта қизиқиш билдиради. У Абай ўқувлари ҳамда кўплаб шеърхонлик танловларида фаол иштирок этмоқда. Бу эса унинг ҳар томонлама иқтидорли ўқувчи эканлигини яна бир бор исботлайди.

Ислон Баҳриддинов каби изланувчан, фаол ва кўп қиррали ўқувчилар – юртимиз келажаги.

Ишонамизки, Ислон келажақда янада юксак чўққиларни забт этиб, ватанимиз номини юксакларга кўтарди.

Наргиза РАЗАНОВА,  
Ў. Жанибеков номидаги кўп соҳали гимназия  
мактаби бошланғич синф ўқитувчиси.

“Қорачиқ” умумтаълим мактабида кутубхоначи Гавҳар Абсетова иштирокида келаси ярим йил обунасига муносиб ҳисса қўшиш масаласи муҳокама қилинди. Директор Ерлан Найзабеков қишлоқда янгидан бунёд этилган мактабларга устозлар ва ўқувчилар жалб этилиши сабаб мактабда устозлар сони камайганлигини таъкидлади.

Алибек Сарсенбаев раҳбарлик қилаётган “Турон” умумтаълим мактаби мажлислар залида таълим даргоҳининг 100 йиллик таваллуд тўйига ҳозирлик комиссияси йиғилишига кутубхона мудириси Зиёвуддин Ёқубов билан бирга ташриф буюрдик. Фахрий устозлар ҳамда шу мактабда таълим олган

## ҚОРАЧИҚ ҚИШЛОҒИДАГИ МАКТАБЛАРДА

ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раиси муовини Саид Турсунматов ва директор билан мулоқотда бўлди.

Мактаб биноси узоқ йиллар мобайнида тубдан таъмирланмаган. Юбилей муносабати билан шу хайрли иш давлат бюджети ҳисобидан депутатлар кўмағида амалга оширилса, нур устига нур. Таъририят бу борада ҳолис кўмак кўрсатишга, мутасадди ташкилотларга муносабат этишга тайёр. Мактаб жамоаси 100 нусха “Жанубий Қозғоғистон”



инглиз тили муаллимаси Марга Шкриберт хоним билан Султонмурод Иброҳимов, Муҳиддин Тўрахонов, Дурдона Отаева, Нилуфар Аметовалар ҳамроҳлигида мулоқотда бўлдим. Чет эллик устозда Туркистон, Аҳмад Ясавий зиёратгоҳи, ўқувчиларнинг билим савияси яхши таассуротлар қолдирибди.

– Кўчалардаги тунги ёруғлик, осойишталик ва жамоат тартиби мени хайратга солди. Лекин, ёшу-қари қўл телефони кўп термулиб, вақт ўтказар экан, – деди ўз фикрини таржимон орқали етказган хорижлик муаллими.

Директор С. Иброҳимов хорижлик устоз билан Қарноқдаги “URKER” мактабидаги каби Қорачиқ қишлоғидаги мактаблар ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида учрашув ўтказилишини таъкидлади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: сафардан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазхон БУРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий  
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт хабарлар, даъватларнинг тарғиблари учун муаллифлар, рекламалар ва эълон берувчилар масъулдир.  
«Фойдаланилмаган мақолалар ва эълонлар жавоб қайтарилмайди.»

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2026 йил 1 апрелда рўйхатга олинди.  
KZ64VPY00145638 гувоҳнома берилган.

“ERNUR”нинг МЧБ босмаханасида чоп этилди.  
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Бўғим № 815

Манзиллимиз:  
160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.  
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05  
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10500 нусха.

Навбатчи муҳаррир: Шоҳиста ТОШПҲАТОВА.